

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



# Тошкент ҳақиқати

РУЗНОМА 1928 ИИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚҮМИТАСИ,  
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИННИГ БОШ НАШРИ

• 1991 йил 3 август • шанба •

№ 149 (10.145). Баҳоси 10 тийин.

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

31 июль куни ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов очди. У республикалар мухтор делегациялари раҳбарларининг Москва яънида жойлашган Ново-Огареводаги учрашви тўғрисидаги (у ерда Иттифоқ шартномаси лойиҳаси хусу-

сидаги ишлар асосан тугалланди), КПСС Марказий Комитетининг 25—26 июль кунлари бўлиб ўтган Пленумининг асосий якунлари, Пленумда КПСС дастури лойиҳаси юзасидан бўлган ўтириш баҳс-муносабалар ҳақида мажлис қатнашчиларига батафсил ахборот берди.

Шундан сўнг Марказий Комитет бюроси ўзбекистон Компартиясининг ҳаракат дастури бажарилишини тъ-

минлаш юзасидан Фарғона шаҳар партия комитетининг иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Шаҳар партия комитети дастурни рўёбга чиқарар экан, шаҳардаги ишларнинг аҳволига ижобий таъсир кўрсатиш, ижтимоий-сийёсий вазияти барқарорлашириш, иқтисадий ривожланиш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида

(Давоми 2-бетда).

### • Маданият яниликлари

ЯНГИ АСАРЛАР  
БИЛАН БОЙИДИ

САҲНАЛАРИМIZ БУ ЙИЛ НАВОЙНИНГ янги асарлари ва Навоийниң ҳақида спектакллар билан бойиди. Бир ҳанча театрлар буюк устод асарларни саҳналаштириди, бошқалари эса шоирнинг ўзи ҳақида пъесалар билан томошабинларни танишиди. Бу томошабинларниг ҳаммаси сентябрь ойи бошларида Тошкентда бошланниши мўлжалланган танлов фестивалида кўрсатилиди. Фестивалини ўзбекистон Маданият вазирлиги билан Театр арбоблари ўюшмаси тайёрланмоқда. Жумхурятимизнинг турли ерларидаги фоалият кўрсатадиган ўнта театр кўрикка таклиф этилди.

ХИТОЙ САФАРИДАН ҚАЙТИШДИ

«ХИТОЙ томошабинларининг тўйгулари жуда кучли, улар биздан миннатдор бўлишди» — Хитойда биринчи марта иходий сафарда бўлган Тошкент цирк саҳнасининг усталари у ердан шундай таассурот билан қайтилар. Улар олмаоталик ҳамкаслари билан бир спектаклда қатнашдилар. Хитойни олтига шаҳрида ўзбекистон ва Козогистон артистлари томошалар кўрсатиди. Акробатик номерлар, ўргатилган айнеклар, итлар, бўғма илонлар билан тайёрланган номерлар, масхабарабозларнинг чиқиши катта қизиқишига сабаб бўлди.

РИМ КЎРГАЗМАСИГА ҚЎЙИЛАДИ

ЧЕТ элларда ўзбекистон тасвирий санъатига тобора кўпроқ қизиқиши пайдо бўлмоқда. «Марко Датрино ди Торре Канавезе» фирмасининг раҳбари Мария Беттилли Италиядан Тошкентга келган ваитида ўзбекистон мўйдалам соҳибларининг асарларини Италия томошабинлари зътиборига тақдим этиш имкониятларини мудодама қилди. У айниқса 30—70-йилларда зратилган асарларга қизиқиши билдириди. Сентябрь ойидаги Римда очиладиган кўргазмага ана шу даврда яратилган энг зўр асарлар кўйилади.

(ЎзТАГ)

## ССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЁРДАМИ

Узбекистон, Тоҷикистон ва Туркманистонда рўй берган табиий оғат оқибатларини тутгатиш мақсадида М. С. Горбачев биринчи галдаги тиклаш ва ремонт ишларини маблаг билан таъминлашга, жаҳрланган қишиларга бузилган ва шинкластланган бинолар учун нафақалар ва сургута тонвонлари тўлашга 549 миллион сўм миқдорида СССР Президентининг заҳира жамғармасидан пул ахратиш ҳақида фармойиш берди. Шу жумладан, ўзбекистон ССРга 291 миллион сўм, Тоҷикистон ССРга 115 миллион сўм ва Туркманистон ССРга 143 миллион сўм ахратилди, деб хабар қилинди расмий равиша.

ССР Вазирлар Маҳкамасига мазкур республикаларда табиий оғат оқибатларини тутгатишга доир ишларни иш-ҳоясига етказишга (капитал қурилиш ва ремонт ишлари) амалда бажарилган ишлар юзасидан сарф-ҳаражатлар манбалари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши тоширилди.

(ТАСС)

### • «ОБУНА - 92» •

## Тошкент ҳақиқати ҚАДРДОН РЎЗНОМАНГИЗГА ЁЗИЛИШНИ УНУТМАНГ!

1992 йил учун рўзнома ва ойномаларга обуна мавсуми бошланди. Бошқа нашрлар қатори «Тошкент ҳақиқати» рўзномасига ҳам 1 августдан бошлаб барча алоқа бўлимларида обуна қабул қилинмоқда.

«Тошкент ҳақиқати»нинг бир йиллик обуна баҳоси — 25 сўм 68 тийин, ярим йилга 12 сўм 84 тийин, уч ойга эса 6 сўм 42 тийин.

Курматли муштариylар! Фурсат ганиматда севимли рўзномангиз — «Тошкент ҳақиқати»га обуна бўлишга шошилинг!

Ф. СП-1

## Ўзбекистон Компартияси Тошкент вилоят қўмитасида

Тошкент шаҳар партия ташкилотига ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига тўғридан-тўғри бўйсунувчи мустақил ташкилот мақоми берилши муносабати билан, Тошкент шаҳри райкомлари партия ҳисобида турувчи вилоят ташкилотлари ва муассасалари коммунистлари ва бошлангич партия ташкилотларига таъсирни кучайтириш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадиди, бу партия ташкилотларини бошлангич партия ташкилотига бирлашириб, унинг партия комитетига райком ҳукужини бериш, бевосита Тошкент вилоят партия қўмитасига бўйсундириш ва 1991 йилнинг 3 август ойидаги вилоят ташкилотлари ва муассасалари бошлангич партия ташкилотининг биринчи конференциясида вакиллар юбориш нормаси 30 КПСС аъзосидан бир делегат, ҳар бир бошлангич партия ташкилотидан камидан битта делегат қилиб белгиланди.

Вилоят ташкилотлари ва муассасалари бошлангич партия ташкилотларига таъсирни кучайтириш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадиди, бу партия ташкилотларини бошлангич партия ташкилотига бирлашириб, унинг партия комитетига райком ҳукужини бериш, бевосита Тошкент вилоят партия қўмитасига бўйсундириш ва 1991 йилнинг 3 август ойидаги вилоят ташкилотлари ва муассасалари бошлангич партия ташкилотининг биринчи конференциясида вакиллар юбориш нормаси 30 КПСС аъзосидан бир делегат, ҳар бир бошлангич партия ташкилотидан камидан битта делегат қилиб белгиланди.

Вилоят партия комитети ишлар бошқармасининг вилоят ташкилотлари ва муассасалари бошлангич партия ташкилотларига таъсирни кучайтириш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадиди, бу партия ташкилотларини бошлангич партия ташкилотига бирлашириб, унинг партия комитетига райком ҳукужини бериш, бевосита Тошкент вилоят партия қўмитасига бўйсундириш ва 1991 йилнинг 3 август ойидаги вилоят ташкилотлари ва муассасалари бошлангич партия ташкилотининг биринчи конференциясида вакиллар юбориш нормаси 30 КПСС аъзосидан бир делегат, ҳар бир бошлангич партия ташкилотидан камидан битта делегат қилиб белгиланди.

## Ж. БУШ ВАШИНГТОНГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

ВАШИНГТОН, 2 август. (ТАСС). АҚШ Президенти Жорж Буш Совет Иттифоқига расмий визитини ва СССР Президенти Михаил

Горбачев билан музокараларни тутгатлаб пайшана бошланып кечаси Америка пойтахтига қайтиб келди.

ССЖи Алоҳа вазирлиги «Матбуот үюшмаси»  
**Тошкент ҳақиқати**  
(нашрнома)

64672

(нашр кўрсатничи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1992 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
0	4	1	1	1	0	0	0	0	0	0	0

Қаерга

(почта кўрсатничи)

(манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

## Рўзномани ЕТКАЗИШ ВАРАҶАСИ

64672

(нашр кўрсатничи)

Тошкент ҳақиқати

(нашрнома)

обуна беҳоси

янги маи-

зилга юбориш

бахоси

сўм

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0

Қаерга

(почта кўрсатничи)

(манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)



Чимкент йоли ДАИ пости жойлашган қисмиде ярим ке-чадагина ҳаракат тұхтади, қолдан тойған нағындарлар зерт-лабки тиғиз ҳаракет бошла-нишидан олдин бир пінәле ач-чиқ чой ичіб бироз ҳордик чиқарыш учун мұжазасына хо-нага тұпландылар. Шу тобда бирден эшиң тақилады. Ҳә-лиға ҳеч бир шубхалы нарса келмаган старшина ким та-қиллатганини билиш учун таш-карига қыды. Шу дақиқада Тошкент четида тонг сұкуна-тини отылған тұплонча тову-ши бүзді.

Отишма юз берган жойға етиб келген милициянинг — ку-чайтирилған нарядлари (улар-ни үқ овозидан үйгөніб кеттән шу атрофдагы уйларда яшов-чилар қақиришган зди) ДАИ үч инспекторининг қонға бе-ланган жасадын топди. Трево-га билан оёққа тұрган ҳұқуқни муҳофаза қилиш идералар бир неча соатдан кейин оқ қотиллар изига түшди. Улар қүшни миңтақалардан келген одамлар зди. Соқчыларнинг күролларига зга бўлиш учун улардан ваҳшениә ўқ олди-лар, бу қуроллардан келгуси «ишларда» фойдаланмоқни эдилар. Бахтимизга, бунга муваффақ бўлишмади, чунки асаддий жиноятчилар бир неча кундан сўнг қўлга олинди.

Чимкент йўлидаги фокида Тошкент давлат автоинспек-цияси сўнгги йилларда энг кўп жудоликка учради, аф-суски бу сўнгиси эмасди. Жи-ноятчилар ўзлари олиб қоч-ган автомашинада таъқибдан қочиб күтилмоқчи бўлишганде уларнинг йўлни тўғсан сокчи ҳам ҳалок бўлди. Яқиндагина янги «Жигули» учта пост ёни-дан ўқдек отилиб ўтди ва гавжум жойға яқинлашиб қолди. Даҳшатдан эс-хүшини йўқотиб қўйган жиноятчинга йўлни таёк ушлаган ёш сер-жант сўнгги даққаларда тўс-маганида зди, оқибати жуда даҳшатли бўларди. Сержант ўз ҳәттини курбон қилиб, кўп йўловчиларни ўлим даҳшат-дан сақлаб қолди.

Бундай мисоллар жуда кўп. Сўнгги вақтда кўп жиноятларда автомобиль транспортидан фойдаланимомда, бинобарин ДАИ ходимлари беихтиёр жи-ноятчилар қарши кураш-нинг олдинги мэррасига чи-киб қолдилар. Кизил чироқ қа қарамай ўтиб кетиш, тез-ликни ошириш, йўл ҳаракати қоидаларни ўта қўп ролнишида бузишлар одий ҳодиса бўлиб қолди. Автомобилларни кўплаб ўғирлаб кетиш ва кейинчалик катта пул эвазига эгаларига қайтариб бериши автомотоҳаваскорлар учун ҳаки-кий кулфатга айланди. Ма-шиналарни олиб қочувчилар-дан энг пухта сигналлар ҳам, кулфлар ҳам машинани асрәб қоломайди. Энг даҳшатлиси шундаки, кўчаларде ва йўл-ларда юзлаб одамларнинг ёстиги қуриди, минглаб одамлар мажрух бўлиб қолди.

Вазиятни ўзgartиришга ҳеч ким уриниб кўрмади, дейиш нотўғри бўлур зди. Рейдлар, кўриклар мунтазам ўтказил-ди, пост инспекторлари, ДАИ патрул машиналари сони мун-тазам кўпайтирилди. Лекин вазият яна эски изга тушавер-ди.

Янгича чоралар кўриш та-лаб қилинади. Тошкент ДАИ бошқармасининг янги бошлиги Аҳмаджон Эркабоев шундай

чораларни таклиф қилди, у иккиси юз кунга мўлжалланган ва худди шунча банддан иборат дастурни ишлаб қыди. Эркабоев эса янги лавозимда ўз фоалиятини күтилмаган тусда бошлади: шахсий сос-тавнинг тўртдан бир қисмини ҳар куни вақти йўлларда эмас, балки спорт залида ўтказишига мажбур қилди. Сўнгра аттестация бошланди. Бунинг оқибатида айрим ходимлар ишдан бўшатилди.

— Бизнинг ишимида фа-кат моҳир қишилар ишлами керак, — деб туширилди Аҳ-маджон Эркабоевич.

Фаргона фокиаси кунлариде тревога билан биринчи гурӯх таркибида ўша ерга борганида ўқувчиларнинг қандай ҳаракат қилишини кўп кўрган зди. Уша кунлардан хотира сифатида фотосурат қолган, суратда у ўша вақтда-ги майор, СССР Ички ишлар вазирилиги ички қўшин-

йтқаздилар. Маблагнинг асо-сий қисми йўлларни, чорра-халарни техникавий жиҳозлашга, давлат автоинспек-циясининг ўзиға, маҳсус тех-ника, алкометрлар сотиб олишга сарфланади.

Ҳайдаб қочилаётган транс-портни ўз вақтида аниқлаш имконини берадиган «Пеленг» тизимини барло этиш ту-галинан деб қолди. Машинани ҳайдаб қочиш ва бошқа жиноятларга қарши кураш-диган маҳсус бўлиннамалар ташкил этилди. Ходимлар талабчанлик билан танлаб олингандан сўнг қўл жангни, қуролни ишлатиш, шошилинич мудофаа, қўлга тушириш усу-ларига ўргатилди. Йил бошидан буён маҳсус бўлиннама машинани ҳайдаб қочгани учун бир неча ўн кишини уш-лади. Чунончи, ҳайдовчи аса-бини фалаж қулуви газ билан ганг қилиб кўйган но-маълум қишилар бир кечак-

и ўйл-патруль хизмати полки командирининг ўринбосари майор Жамъәл Дадажонов ми-лицияга қарашиб янги «Жигу-ли» кабинасига одатдагидек ўрнашиб ўтирас экан, кўл-лари билан ёнига ўтиришга ишора қилди. Раэя мурув-вати шиқиллаб машина ичидаги диспетчернинг жарангдор ово-зи эшилди.

— «Лолапар», диккәт ки-линг. Ҳалқлар дўстлиги шоҳ-кўчасидан «Победа» автома-шинаси ҳайдаб қочилган. Бел-гиларини маълум қиласан...

Машинамиз жойидан кўз-галади ва бирдан тезликни оширади. Аммо орадан бир неча минут ўтгач, диспетчер хотиржамлик билан машина ушланганлигини хабар қиласди, машинани олиб қочган одам наркология экспертизасидан ўтказилгандан сўнг ўзи яшайдиган Киров райони ички ишлар бўлимига келтирилади.

Хурсанд бўлади ҳайдовчи осон-лика куттилаётганидан.

Орқа ўриндиққа яна бир ми-лиционер ўтиради ва «Мос-квич» гурилаб жўнаб кетади. Жамол Жалолович ҳайрон бў-либ турганини кўргач жуда мулод-ийм бўлиб қолади.

Яна бир соатдан сўнг ҳара-кат деярли тўхтайди, биз эр-кин ҳаракат қилиб излашга ўтмиз. Тўсатдан машинада диспетчернинг ҳаяжони овози янгради:

— Оқ тусдаги «ноль олти» Энгельс кўчасидан айланма йўл томон катта тезликда кетаяп-ти...

Биз бу машинани қаерда кўлга туширишимиз мумкинли-гини ўйлашимга улгурмай Да-дажонов машина тезлигини соатига 140 километрга етказ-ди. Бир неча минутдан сўнг биз ўша оқ машинани кўрдик. Яна бир неча дақиқадан сўнг автомобиль йўлга кўндаланг бўлиб тўхтади. Оқ рангдаги «ноль олти» эса орада бир метр колганде тўхтади. Унда иккиси қиши бор, иккаласи ҳам олдинги ўриндиқда ўтирибди. Улардан бирни ички чўнтағига қўл солди, мен бирдан шу яқин жойда Чимкент йўлида юз берган ўша фокиани ёсладим. Агар нотаниши ўқ отмоқчи бўлса, мен унинг рўпарасида турибман. Бирдан нотанишлар бараварига табассум қилишди, улардан бирни жиноят қидириб бўлуми ҳодими гувоҳномасини кўратасиб, ўигитлар, чакки ишламаласизлар, дегандек бosh бармоғини кўрсатди.

— Ўзимизнилар экан, — деб ҳабар қилиб микрофонга Жамол Жалолович ва менга қараб қўшиб қўйди: агар сиз қарши бўлмасангиз бугунга етв?

Кўп йиллар давомида бирин-чи марта республика пойтахтида йўл—транспорт ҳодисалари уч ойлик маълумотларида «колув» белгиси қўйилмоқда. Утган йилга нисбатан бундай ҳодисалар анча камайди. Бош-ка рақамлар ҳам чакки эмас: автомобиль инспекторлари йўл-тўсарлик ва талончилик, давлат ва шахсий мулкни ўғир-лаганлик учун ўнлаб одамларни ушладилар. Бундан атиги бир йил олдин бирорта ҳам бундай воқеа бўлмаган зди.

Дастурни амалга ошириш-нинг дастлабки натижалари ана шундай.

Яқинда ҳам Тошкент давлат автоинспекциясида бўш турган лавозимлар кўп зди. Ҳозир эса бу хизматга ўтиш учун қаттиқ танловга бардош беришга тўғри келади. Инспекторларнинг юзида ҳамиша уларга хос бўлган журъатсизлик қолмади, машинани бошқариб бораётган ҳар қандай барзанги ҳам уларни чўчита олмайди. Уларга қараб турниб, жиноятчилар учун олифт ҳайдовчидан спирт ҳиди анқирди. Лекин у ғандирлаб сирларни йўқ, алкометрга пулфлашдан боз тортади ва ёш инспекторга «келишишни таклиф этади. «Майли», кетдик чойхонага, — инспектор тўсатдан рози бўлади. — Фақат машинани мен бошқарман.

...Автотранспорт воситалари ни ҳайдаб қочганилиги, ҳайдовчи ҳужжатлари ва номер белгиларисиз машинани бош-қарганилиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисидаги таклифларни конун чиқарувчи органларга тақдим этиш Аҳмаджон Эркабоев дастуридаги бандлардан бирни зди. Республика парламенти анча муддат қамоқ жазоси беришини, катта жарима солишини кўзда тутивни конун қабул қиласди, лекин биздаги одатга кўра бу конунни ўғулланиш воситалари эътибордан четда қолди. Натижада конун ҳужжатининг фойдаси сезилмади.

Тошкент қўчалари бўйлаб са-фаримиз давом этади.

Ҳужжатларни текшириш учун тўхтатилган «Волга» ГАЗ-24 машинасининг мотори ўғирлаб олингандиги маълум бўлади. Бу хабардан ҳайдратга тушган ҳайдовчи қариндошларнига бориш ўрнига ўз машинасига йўловчи тарзида ўтириб ўзга томонга жўнашга мажбур бўлади. Шу пайтда яқинроқ жойда тўхтаган «Мос-квич» машинаси олдида қизиқ воқеа содир бўлади. «Ади-дас» фирмаси ишлаб чиқарувчи спорт костюмидаги бу олифт ҳайдовчидан спирт ҳиди анқирди. Лекин у ғандирлаб сирларни йўқ, алкометрга пулфлашдан боз тортади ва ёш инспекторга «келишишни таклиф этади. «Майли», кетдик чойхонага, — инспектор тўсатдан рози бўлади. — Фақат машинани мен бошқарман.

— Бор экансизку, — деб

ўша билан яшагани маъ-кул. Яъни, бу масалани Бек-зоддининг ўзи ҳал қиласди. Ўнга тегиши мол-мулк ма-саласига келсак, у конун йўли билан меросхўр 18 ёнга тўлганича даҳлсиз, 18 ёнга тўлганича даҳлсиз.

А. НАБИХУЖАЕВ,  
жамоатчи мухбир.

«Труд» маҳсус мухбир  
Тошкент.

[«Труд» газетасининг 1991

йил 31 июль сонидан].

## • Акс садо

### Бекзоднинг ўзи ҳал қиласин

Рўзноманинг шу йил 10 июль сонидаги этлон қилин-ган «Бекзод, сен кимни дейсан?» сарлавҳали мақо-

лани ўқиб, қаттиқ та-сирилдим. Ҳакиқатан ҳам, ёш Бекзод тақдирни ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Оилада янги фарзанд дунёга келганда «Илое ота-онаси, умри билан берган бўлсин», дей дуо қиласди кексаларимиз. Бу тилак замирда бир олам мазмун бор. Лекин тақдир Бек-зодга етимликинраво кўриди. Энди унинг бундан бўёни ҳаётини қандай кечак-

ди? У ким билан яшагани маъ-кул? Бизнингча, Бек-зод анча эсли-хушли болага ўхшайди. Бунинг устига ҳаётининг аччиқ зарба-лари уни анча улгайтириб қўйган қўринади. Шундай экан, у ўзи учун қаер қу-лай бўлса, ўша ерда, ким уни астойдил меҳр билан бошини силаётган бўлса



КУЮНЧАК  
МУШТАРИЛАР  
ЕЗАДИЛАР

## АРИҚНИНГ ЭГАСИ КИМ?

СОЛДАТСК шаҳрининг көк ўртасынан кatta ариқ утган. Унинг суви билан меҳнаткашлар ўз томорқаларини сурорадилар. Лекин ниҳоятда ифлослиги билан ажралиб туради. Ундан йилнинг исталған фасли, даврида сув оқса ҳам, оқмаса ҳам бадбүй ҳид тарағиб туради. Бундан шаҳарликлар норози булиши.

Яқинда шу ариқ ёқалаб анча юрганда буни ўзимиз ҳам сездик. Мехнаткашларнинг норози бўлганилиги асосли экан. Противозас деган ҳаво тозалагич олмаганилиги миздан афсусландик. Биз-ку бир мартағина ўтдик у ерлардан. Шу атрофда яшовчилар қандай қилиб нафас олишмоқда экан?

Ариқ ичи ва ёқаси ҳар хил ахлатлар, чиқиндилар билан тўлиб ётиди. Ҳалто баъзи бир одамлар унта тақаб молхона, чўчҳона, ҳаммом, ҳожатхона ҳам куриб ташлашган. Улардан чиқаётган чиқитлар, ахлатлар тўғри ариқка тушмоқда. Биринчи умумий овқатланиш муассасасининг ошхоналари ва қатор бошига ташкилотлар ҳам ариқ сувини ифлослиги тиришга «ҳисса» кўшишмоқда. Бу ҳолат бугун, кече ёки бир неча ой илгари бошлангани йўқ. У бир неча йилдан бўён давом этиб келмоқда. Фақат шу тартибсизлика чек қўядиган киши, ташкилот шаҳарда топилмайти.

Бу масалага Солдатск шаҳрининг мутасадди ташкилотлари жиддиёроқ қарайдилар, детан умиддамиш. Чунки ариқ атрофида истиқомат қилаётган, умуман бутун шаҳар аҳолиси ўнуни бир неча йилдан бери кутадилар. Улар яна қанча сабр-тоқат қилишлари мумкин? Бунинг ҳам чегараси, поени бўлиши керак-ку!

**З. ИСРОИЛОВ,**  
видојт Ленин комсомоли мукофоти совиндо-ри, нодия «Ленин йўли» рўзномаси ходими.

## Хар тўғрида

133 МИЛЛИОН ПИЕЛА  
КОФЕ ИЧИРИБ...


● АМЕРИКАЛИК ва голандиялик тиббиёт ходимлари 133 миллион пиёладан ортиқ кофе сарфлаб, шуни исботладиларки, ҳар куни тўрт стакан ва ундан кўпрга кофе ичиш юрак хасталигига

### ● ЯХШИЛАР ИБРАТИ

## БИР ТУП ДЎЛНАНА

«ТОҚҚА чиқмасанг, дўлана қайдас...» деган нақл мутлақо тўғри айтилганга ўхшайди. Бу нақлни «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ҳам шубҳасиз эшигтан, бироқ улар токфа чиқмай ҳам дўланани еяверишлари мумкин.

лан дўланага кўзим тушди. Оппоқ бўлиб пуллаган, мафтункор эди. Унга сукланниб боқиб турар эканман, хаёлимни сухбатдошим — бирлашма ёрдамчи хўжалигининг бошлиғи, корхона фахриси Маҳкам ака Акромов бўлди:



### ● ТОҒДА ОИНИНГ ЧИҚИШИ.

Сураткаш С. ЖУКОВ.

## Сугориша меъёр ҳам бор-ку!

СУВДАН оқилона фойдаланиши шу кунининг дол зарб шуммоларидан бири, дейиш мумкин. Ҳозирги вақтда барча экинзордар, бозу рофлар, бедазору ўтлоқларга сув керак. Шундай экан танқислиги тобора кесини сезилётган оби ҳаётнинг ҳар бир томчинини истроф қиласлик, уни ўрнида ишлатиш лозим. Пискент табиатни муҳофаза қилиш қўмитасиниг сув ресурслари бўйича давлат назоратчиси О. К. ЭРГАШЕВ қўмита ходимларининг бу соҳадаги ишлари дақида қўйнагиларни гапириб берди:

Шу кунларда қишлоқ хўжалигига сувдан фойдаланишининг аҳволини текшириш билан муттасил шуғулланяшимиз. Бунинг боиси мальум. Ҳар мисқоли дурга тенглаштириладиган оби ҳаётдан экинларни сугориша тежаб-терға фойдаланиш, унинг истроф бўлишига, экинзорларнинг кўллатиб юборилишига қўл қўймаслик, бунда амалдаги қоида-тартибларга қатъий риоя қилиш лозим.

Ходимларимиз ва жамоатчи назоратчиларимиз сувдан фойдаланишини текширишида шу масалаларга алоҳида ётибор беришти. Экинларнинг турига қараб ҳар бир гектар майдонни сугориш учун кетадиган оби ҳаёт ҳажми аллақачонлар иши-

ним бўлган? Иигирма-йигирма беш сотих экин майдонни кўллатиб юборилган, бунинг устита ҳар дақиқада юз литр сув беҳудага зовурларга оқизиб турилган. Бу бригаданинг ўзига ҳам зарар келтирсан, албатта, кўллатиб сугорилган экин майдонига кўшишимча ишлов беришга тўғри келади. Бу ортиқча ҳарражат талаб қиласди. Бригадирнинг бу «иши» жазосиз қолдирилмади. У ўз ҳамёни эллик сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.

«Пискент» давлат хўжалиги еттичи бўлманинг Т. Жўраев бошчилик қиласётган бригадасида ҳам шундай аянчли аҳволини устидан чиқдик. Бригадир экинларни сугориш учун нормадагидан уч баравар кўп сув олган, ўзидан кейинги бригадаларга эса сувни кам ўтказган. Бир бригадирнинг ўзбошимчалиги бошига бригадалар учун қийинчлик вужудга келтирсан. Бундай «зўзингни бил, ўзгани қўй» қабилидаги қиммиш ҳам ётиборсиз қолмади. Бригадирга эллик сўмлик жарима солинди.

## КОНУНГА АМАЛ ҚИЛИШ ЗАРУР

КЕИИНГИ вақтларда мамлакатимизда табиат муҳофазасини кучайтиришга эътибор ниҳоятда кучайди. Айни вақтда бу муҳим масала билан боғлиқ бўлган янги янги конунлар қабул қилинди. Уларда табиатни муҳофаза қилиши, атроф-муҳитни мусаффо сақлаш тартиб-коидаларига риоя қиласлик ҳолларига нисбатан янги жазо чоралари белгиланди.

Вилоятимиздаги табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ўзларининг кундаклик фаолиятларида шу қонунларга қатъий амал қилишга интилмоқдалар. Улар шу йилнинг ўтган ярмида ҳаво атмосферасининг тозалиги, сув ва ер ресурсларидан фойдаланишининг ахволини аниқлаш юзасидан 1200 дан зиёд тенширув ўтказдилар. Натижада кўпгина мансабдор шахсларнинг табиатни муҳофаза қилиш қонун-коидаларига хилоф иш қилаётганликлари, уларни кўптол равишда бузатётганликлари маълум бўлди. Бу билан давлатта келтирилган заарининг муайян мифдорини коплаш учун корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар ва мусассалардан 350 минг сўм тонн тўлаш галаб қилинди.

Табиатни муҳофаза қилиш хайрли иш билан шуғулланяётган мутахassisлар ўз фаолиятларида, албатта, мавжуд қонун-коидаларга қатъий амал қилишлари, ундан четта отғасликлари, ўзбошимчалик қиласликлари лозим. Бунинг ҳар бири қонунчиликни яхши ва пухта билмоғи даркор.

Яқинда вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасида бўлиб ўтган йиғилицида бу масалан атрофлича муҳокама қилинди. Ўнда вилоят прокурори, аддия генерали А. Маннонов шу ҳаҷда маъруза қиласди. У бу муҳим ишда ҳуқуқни ва табиатни муҳофаза қилиш ўзаро ҳамкорлигини кучайтириши лозимлигини алоҳида таъкидлари ҳамда йигилганиларнинг кўплағ саволларига жавоб берди.

**М. МУИДИНОВ.**

Ноҳиямиздаги айrim хўжаликларда сувдан фойдаланиши қатъий тартибга кўйилганлигини ҳам айтиб ўтиш жонизди. Калинин номли, Тельман номли, Навоий номли жамоа хўжаликларида оби ҳаёт деярли ортиқча исроф қилинмайти. Тўғри, уларда ҳам айrim камчилликлар бор, текширилган куни Калинин номли хўжаликлининг биринчи бригадасида ортиқча сув олинаётганлиги маълум бўлди ва шу заҳотиёқ нормага келтирилди. Навоий номли жамоа хўжалигининг биринчи бригадасида ҳам шундай камчиллик аниқланди ва тузатилди. Имкала бригада раҳбарларини огоҳлантириш билан кисояландик.

Шу кунларда сувнинг ҳар бир томчиси қадрига етиш керак. Оммавий сугориши ишлари ҳамма жойда кенг авж олиб кетган ҳозирги шароитда бу жуда муҳимдир. Шундай унумаслик керакки, бир жойда сувни ортиқча сарфлаш иккинчи бир жойда учнинг танқислигини юзага келтириди. Ноҳиямиздаги барча хўжаликларда сувни белгиланган норма миқдорида фойдаланишга эришиш керак.

**М. МАҲМУДОВ.**

ва инсультга олиб келади, деб хавфисрамаслик мумкин. Иккى йил давом этиган тадқиқот 40 дан 75 ёшгача бўлган 45 минг 585 нафар эркак киши устидаги олиб борилди. Шуниси қизикини, бу тадқиқотлар маълумотига қарандага кофеини бўлмаган ко-

фе зарарли хусусиятларга эга бўлар экан. Бир кунда шундай кофени бир неча марта ичиш билан ўзингни юрак касалига, уни ичмайдиганлар ёки одий, кофеинни борларини ичадиганларга нисбатан 1,63 баравар ортиқ муттало қилишинг мумкин экан.

### 265 КИЛОМЕТР ТУСИҚ

● НАМИБИЯДА (Жанубий Африка) узунлиги 265 километрли ихота курилган. У кийик, түккүш ва бошқа ноёб жониворларнинг маҳаллий фермерлар овлайдиган ерларга келишларига йўл қўй-

маслик мақсадида барпо этилган. Бу жаҳондаги энг узун деворларнинг бириди. Энг узун Австралияning учта штатидан ўтадиган ва ўтлоқларнинг динго итлари хўжумидан сақладиган девордир. Унинг узунлиги 5 минг 953 километрни ташкил этади.

# Жадиёт өсірбас

АБДУЛЛА АВЛОНІЙ НОМИДАГИ ЖУМХУРИЯТ  
МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР



## УНИ БОЛАЛАР СЕВИШАДИ

У ТИНЧИМАЙДИ: дам кимтадир күнғироқ қиласы, дам олдидеги расмларни саралайды, дам қайсаидир мақоланы тақрир қиласы. Одамлар билан гаплашады, кетталардан йүл-йүрік олады — ёшларға эса йүл-йүрік күрсатады. У зерттан кечгача «Фунчак» учун жон күйдірады. Чүнки ойноманнинг масъул котиби. Устози уни шундай фидойлика үргатған. Бироз янглишдик чөфи. Нафқат устози. Балкиң ондан үтган унга бу фидойлик. Камсухан, камтарин отанинг илк насиҳати ҳам, сұнгги насиҳати ҳам шу бўлган: «Шафқатли бўл, ўғлим, фидойи бўл!»

У болаларға фидойи, ўз шеърияти билан, ўз меҳнати билан! Зоро, уни ҳам болалар севишиди, китобларини ахтаби юришиди. Яқинда шоирнинг беғубор күнгли тушган маңа шундай китоби бўлмиш «Қизиқ томоша» Абдулла Авлоний номидаги жумхурият мукофотига тавсия этилди. Агар шоир Рауф Толиб шу мукофотга сазовор бўлса, билавердинги, ўша куни жумхурятимиз болаларининг яна бир кунчли байрами бўлади.

**Яира САДУЛЛАЕВА,**  
«Фунчак» ойномаснинг бош мұхаррири, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг соҳибаси.

## ХУМСОН

— Салом эй, гўзал маскан  
Хумсон.  
— Мехмонмисан, болажон,  
кимсан?  
— Кучорингда дам олай,  
Яйрай.  
Сўлим қишлоқ, аҳволинг  
Қалай?  
— Қайда ёшлик чоғларим,  
Үлон?  
Утлоқларим, боғларим  
Пайхон.

Енгоқлар, дўланалар  
Синди.  
Сайрамас беданалар  
Энди.  
Ўйнаб, тошиб оқарди  
Угом.  
Билмам, чарчаб қолдими  
У ҳам?  
Айт, сен томошабинми,  
Кимсан?  
Нечун хәлга толдинг,  
Жимсан?..

## МЕНИНГ РАҚИБИМ

Ха, менинг рақибим бор,  
Беради нуқул озор.  
Таъкиб айлар эрта-кеч,  
Кўзга уйқу бермас деч.  
Отар таъна тошларин,  
Оқизар кўз ёшларим.

Ташвишларим орттирадар,  
Мени ҳушёр тортирадар.  
Иўлларимни пойлайди,  
Қасд олишини ўйлайди.  
Сира очирмас кўзим,  
Менинг рақибим — ўзим.

## КАТТА ТАНАФФУСДА

Бирдан ур-сур бошланди,  
Шер Тошматта ташланди.  
Нодир чизар партани,  
Зоҳир бўйр картани.  
Кўринг, Хол жонсаракни,  
Синдири гултувакни.  
Адҳам Хотамни чалди,  
Хотам йиқилиб қолди.

Ортиб жанжал, машмаша,  
Кизиди хўп томоша.  
Мен эса четда турдим,  
Кузатдим, барин кўрдим.  
Хеч ким-ла олишмадим,  
Уришиб, солишмадим.  
Индамай турсам ҳам, эҳ,  
Эшитдим танқид, танбек.

## РАҲМАТ ЁЗАР ХАТ

Утириб ҳар кун Раҳмат  
Эрнимай ёзди хат.  
Дўстлари күп ҳар ёқда,  
Узоқ шаҳар, қишлоқда.  
У дўстларни кўрмаган,  
Кўриб, сухбат кўрмаган.  
Раҳматжон чопиб юрар,  
Адрес томиб юрар.  
«Танишайлик», деб  
Раҳмат,  
Утириб ёзди хат.  
Синифдоши дер унга:  
— Дарсдан ёрдам бер  
менга!

— Вақтим йўқ, — дейди  
Раҳмат,  
Дўстларга ёзалиман хат.  
— Мирҳамид касал экан,  
Бир бориб кўрсанмикан?  
— Вақтим йўқ, — дейди  
Раҳмат,  
Дўстларга ёзалиман хат.  
Енидаги дўстларга  
Бемеҳр, беоқибат.  
Узоқдаги дўстларга  
Утириб у ёзар хат.

Рауф ТОЛИБ

## • Ёшлар изходи •

ҚОР ёарди. Оппоқ қалин қор. Совуқ шамол эса юзни чимчилагандай ачиштиради. Бундай пайтлар иссиқина уйда ўтиришга ниша етсин! Машина ўйнаш, велосипедча миниш... Эҳ-ҳе, қанча ўйнлар! Алижон шуларга овуниб, кўчага чиқиши хаёлига ҳам келтирмасди.

Ташқарини қоронгулик қоплади. Изгирип эса қиличини қайраб ҳамон уввос соларди. Қаердан дандир мушукчанинг илтижоли миёвлаши кулоққа чалинди. Чамаси у шундокқина дераза тагидан овоз берарди. Бу вақтда пластилиндан уйча ясад ўтирган Алижон сакраб ўрнидан турди. Мушукчанинг овози унга жуда таниш эди. Бу ўша — ўзларининг ҳовлисида юрган қора мушукнинг яқинда туғилган болачаси эди. У жуда ҳам чиройли, худди қўғирчоққа ўхшарди. Пешонасадаги ва қорнидаги жунлари оппоқ, қолгандар эса қоп-қора, гўё мойлаб қўйиландай ялтиради.

Қув, анови куни Алижон эшикни очиб уни уйга киргизган, мушукча эса гўё уни танигандай оёқларига, тиззасига суйкалган, сўнг эса кичкина шарни думалатиб, ўзича «футбол» ўйнаганди. Буни кузатиб ўтирган Алижон завқга тўлиб, аясига:

— Қаранг, қаранг, мушукча ўйнаяти, — дея қувонч билан қиқирлаб кулганди.

Бу ҳол қанча давом этади, хабари йўқ. Бир вақт аясиги мушукчанинг ўйдан ҳайдай бошлади.

— Ая, мушукчани ҳайдаманг. Мен уни ўйнайман, — деди Алижон ёлвориб.

— Шунча ўйнаганинг етар. Энди мушукчанг ўйни булғатади, — деди аясининг неғадир қовоги солиниб.

— Йўқ, булғатмайди. Ҳайдаманг, — Алижон энди йиғламсираб аясига илтижоли қаради. Сўнг эса унинг этағига ёпишиди. — Ҳайдаманг...

— Коҳ, ҳалақит берма, — аясиги силтаб ташлади, — Сенга қолса нималарни хоҳламайсан! Пишт, йўқол-а!

Мушукча Алижонга бир қараб олди-да, сўнг қия оциқ кўча эшигига юргурилаб ўзини урди...

Алижон аясининг: «Бўлди, кўп ҳиқиллама», дейнишига ҳам қарамай роса йиглади. Ҳатто ўша куни аясиги пиширган ширин тортдан татиб ҳам кўрмади.

Бугун эса ўша мушукча яна дераза тагида пайдо бўлиб қолганди. Алижон мушукчага бирдан ачиниб кетди. «Нега у шамоллаб қолмаятикан?». Ахир Алижоннинг ўзи эрта билан ўйна-

ёрг бўлиб кетди. Қизиқ, атрофга гиламдай тушган оппоқ қор ҳеч совуқ масмиш. Алижон қорда думалаб-думалаб ўйнаётганниш. Шу тоб қора мушук пайдо бўлиб қолибди. У Алижонга қараб миёвлаб олибди-да, сўнгра нари кета бошлабди. Алижон эса беихтиёри унинг орқасидан зрагшибиди. Шунда бирдан қор устидаги қимирлама ётган нарсага кўзи тушибиди. Қараса, у ўзининг мушукчаси эмиш. Алижон унга қўлни тегизса ҳам қимирламасмиш. Алижон тўсатдан қўрқиб кетиб:

— Мушукча ўлиб қолибди, — деб қичқириб юборибди, у чўчиб ўйғонганида ёнида ётган аясиги ҳам кўзини очди.

— Ҳа, чўчидингми, болам? — деди у хавотирланиб.

Алижон анчагача вима бўлганига тушунолмади. Шу чоқ ташқаридан яна илтижоли миёвлаш эшитилди.

— Ая, мушукча ўлмаганми? — деди ҳайрон бўлиб Алижон.

— Йўқ, болам. Ана у миёвлаяти-ку!

Алижон яна бироз ўйланниб ўйлаби:

— Ая, мушукчани уйга киргизайлик, — деди илтижоли оҳангда.

— Майли, болам. Сен нима дессанг шуда, — деди аясиги рози бўлиб.

Наҳотки, онаси алдамаётган бўлса? Алижон ташқарига чиқиб кетган аясининг қайтиб киришини бетоқат кутга бошлабди. Ана аясиги кирди. Қўлида ўша мушукча. Қўзлари тим қора, дум-думалоқ.

Опкелинг, — Алижон мушукчага талпинди. Қўлига олиб бироз сийпалади. Сўнг ёнига — кўрпа устига аста қўйди. У ҳам шуни кутгандай дарҳол ястаниб олди. Бехавотирланиб охиста-оҳиста нафас ола бошлабди.

Алижон кўнгли тинчib ёс蒂қа бошини қўйди. Сўнг эса аясининг пинжига тиқилди. У шунчалик тез ухлаб қолдикни, бунга аясининг ҳам ҳайрати ошиди...

**Улугбек МУСТАФОҚУЛОВ.**  
**Янгийўл нохияси.**

## • КЕЛИНЧАК •



Ҳаёт сеҳрлидир, мўъжизага бой,  
Шунинг учун умринг ҳар они гўзл.  
Ҳатто янги бўлиб туғилгандага ой  
Нозик қоматила фалакин безар.  
Само гўзалидан олиб андоза  
Юзларда ҳаёб кўзларда ибо.  
Харир либосларга бурканган келин  
Овозасин ёяр сеҳрли сабо.

Оқ либос юрашгани сенам — көлничай,  
Қадамнинг хуш келсин, шод бўлсан  
нўнгил!  
«Янгиллик» деб тотган гавҳар узумдай  
Серфарзанд бўлгин деб тилар ҳар бир  
дил.

**БАРЧИНОЙ.**  
**Тўлкин КАРИМОВ** сурат-лавҳаси.



# КҮРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ

## Душанба \*

5 АВГУСТ

● УзТВ I

- 18.00 Янгиликлар.  
18.10 «Тўс-тўполон». Мультфильм.  
18.25 «Ойгул». Болалар учун фильм-концерт.  
18.55 «Тадбиркорлар».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).  
19.45 «Деҳқон маслаҳати».  
20.00 «Санъат олами». Кўргазма хоналари бўйлаб.  
20.30 Москва. «Время».  
21.10 Оғаҳий номидаги Хоразм вилоят театри солистларининг концерти.  
22.00 «Ахборот».  
22.25 «Ўга қайти» (Бадий фильм).  
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

- 18.05 «Ассалому алайкум» (так-пор.).  
19.05 «Спринт».

## Сешанба \*

6 АВГУСТ

● УзТВ I

- 8.00 «Ахборот».  
8.25 «Софлом бўлай десангиз».  
8.35 «Сехрли тўн». Бадий фильм («Озарбайжонфильм»).  
9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарид».  
10.20 «Хокимият Шўроларда».

\* \* \*

- 18.00 Янгиликлар.  
18.10 «Топчумба». Мультфильм.  
18.20 «Техника мавсумга шайми?».  
18.50 Тижорат хабарлари.

- 19.00 Қорақалпогистон телевидениесининг программаси. «Хабар». Информацион кўрсатув.

- 19.10 Халқаро ҳаёт. «Хиросима сабоқлари».  
19.25 «Спортлото».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида).

- 19.50 Қорақалпогистон телевидениесининг программаси. Қора-

- 19.20 «Менинг шахрим».  
19.40 «Кимсалар». Давлат Хавфисизлик қўмитаси фаолиятидан.  
20.10 «Шаҳар теграсида». Телевизион фильм.  
ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:  
20.30 Москва. «Время».  
21.10 Халқ чолғу оркестрининг концерти.  
21.40 «Бозгашт». Телевизион ҳужжатли фильм.  
22.00 «Душанба оқшомида». Бадий-публицистик кўрсатув.

● МТ I

- 6.00 «Тонг».  
8.35 «Император одимлари». Телевизион бадий фильм премьераси («Лентелефильм»).  
9.55 «Россия тароналари» телевидиотлонининг совиндори «Лад» ансамбли ижро этади.  
10.10 «Янги авлод танлайди».  
11.25 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Қария Гомер» (АКШ).  
11.30 ТСН.  
11.45 «Мулоқот». Иқтисодий шарҳ.

- 12.00 Футбол шарҳи.  
12.30 «Болтиқ денгизининг чукурликларида». Телевизион ҳужжатли фильм.  
\* \* \*  
14.30 ТСН.  
14.45 Қисқа метражли телевизион фильмлар: «Тарвузи рейс», «Заречелия кўёвлар».  
15.55 «Қизиқувчилар олами».  
16.10 «Яқин кишининг саховат қил». Телевизион ҳужжатли фильм.  
16.55 Шеърият лаҳзалари.  
17.00 Болалар учун фильм. «Руди меҳмонда» (Венгрия).  
18.00 ТСН.  
18.15 «Бозор қонунларига биноан».  
18.45 «Мулоқот». Иқтисодий шарҳ.  
19.00 «Ер—она масканимиз» фототанлови.  
19.05 «Император одимлари». Телевизион бадий фильм премьераси.  
20.30 «Время».  
21.10 А. Абдуллин. «Ўн учинчи раис». Евг. Вахтангов номли

- 20.30 Москва. «Время».  
21.10 «Туркманистан».

- 21.30 «Элемгошар». Тижорат-дам олиш кўрсатуби.  
22.00 «Қардошлик». Туркманистан ўзбекистонлик тележурналистларнигида.

● МТ I

- 6.00 «Тонг».  
8.30 «Нофелет қаерда?». Бадий фильм («Мосфильм»).  
9.55 «Объектив».

- 10.30 Болалар соати (француз тили дарси билан).  
11.30 ТСН.

- 11.45 Долзарб репортаж.

- 12.00 МТ экранида биринчи марта. «Кўйиш». Бадий фильм (Одесса киностудияси).

- 13.30 М. Ворожцова чалади (флейта).

- 13.45 «Телемикст».

- 14.30 ТСН.

- 14.45 «Ходиса». Уч серияли телевизион бадий фильм. 1-серия («Грузия-фильм»).

- 15.55 Поволжье халқлари II фольклор фестивали. Нижний Новгороддан кўрсатилади.

- 16.30 «Кекса кедр дарахти ҳақида». Мультфильм.

- 20.30 Москва. «Время».  
21.10 «Туркманистан».

- 21.30 «Элемгошар». Тижорат-дам олиш кўрсатуби.  
22.00 «Қардошлик». Туркманистан ўзбекистонлик тележурналистларнигида.

● МТ I

- 6.00 «Тонг».  
8.30 «Нофелет қаерда?». Бадий фильм («Мосфильм»).  
9.55 «Объектив».

- 10.30 Болалар соати (француз тили дарси билан).  
11.30 ТСН.

- 11.45 Долзарб репортаж.

- 12.00 «Фриулида тайёрланган». Хроникал-ҳужжатли видеофильм.

- 13.45 «Телемикст».

- 14.30 ТСН.

- 14.45 «Ходиса». Телевизион бадий фильм. 2-серия.

- 15.55 «Уруш акс садоси». Ҳужжатли фильм.

- 16.15 «Мусикий ҳазина».

- 16.55 Болалар учун фильм. «Ташвишдан кўрқкан, баҳтга муясир бўлмайди».

- 17.00 ТСН.

- 17.15 «Планета». Халқаро программа.

- 18.00 «Плюх ва Плик». Мультфильм.

- Олти серияли телевизион ба-

- дий фильм премьераси (Норвегия). 1 ва 2-сериялар.

- 9.55 Халқ ўйнлари.

- 10.30 Чемпионлар билан биргаликда.

- 10.45 «Болалар мусикий клуби».

- 11.30 ТСН.

- 11.45 Долзарб репортаж.

- 12.00 «Фриулида тайёрланган». Хроникал-ҳужжатли видеофильм.

\* \* \*

- 14.30 ТСН.

- 14.45 «Ходиса». Телевизион бадий фильм. 2-серия.

- 15.55 «Уруш акс садоси». Ҳужжатли фильм.

- 16.15 «Мусикий ҳазина».

- 16.55 Болалар учун фильм. «Ташвишдан кўрқкан, баҳтга муясир бўлмайди».

- 17.00 ТСН.

- 17.15 «Планета». Халқаро программа.

- 18.00 «Плюх ва Плик». Мультфильм.

- Олти серияли телевизион ба-

- дий фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар.

- 9.55 Халқ ўйнлари.

- 10.30 Чемпионлар билан биргаликда.

- 10.45 «Болалар мусикий клуби».

- 11.30 ТСН.

- 11.45 Долзарб репортаж.

- 12.00 «Фриулида тайёрланган». Хроникал-ҳужжатли видеофильм.

\* \* \*

- 14.30 ТСН.

- 14.45 «Ходиса». Телевизион бадий фильм. 3-серия.

- 15.50 «Хитойда халқ ижодиётни фестиваллари.

- 16.35 «Чўпчак айтётганим йўқ». Телевизион.

- 16.55 Болалар учун фильм. «Арслоннинг саргузашлари». 1-серия («Ўзбекфильм»).

- 17.00 ТСН.

- 17.15 «Планета». Халқаро программа.

- 18.00 «Плюх ва Плик». Мультфильм.

- Олти серияли телевизион ба-

- дий фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар.

- 9.55 Халқ ўйнлари.

- 10.30 Чемпионлар билан биргаликда.

- 10.45 «Болалар мусикий клуби».

- 11.30 ТСН.

- 11.45 Долзарб репортаж.

- 12.00 «Фриулида тайёрланган». Хроникал-ҳужжатли видеофильм.

\* \* \*

- 14.30 ТСН.

- 14.45 «Ходиса». Телевизион бадий фильм. 3-серия.

- 15.50 «Хитойда халқ ижодиётни фестиваллари.

- 16.35 «Чўпчак айтётганим йўқ». Телевизион.

- 16.55 Болалар учун фильм. «Арслоннинг саргузашлари». 1-серия («Ўзбекфильм»).

- 17.00 ТСН.

- 17.15 «Планета». Халқаро программа.

- 18.00 «Плюх ва Плик». Мультфильм.

- Олти серияли телевизион ба-

- дий фильм премьераси. 1 ва 2-сериялар.

- 9.55 Халқ ўйнлари.

- 10.30 Чемпионлар билан биргаликда.

- 10.45 «Болалар мусикий клуби».

- 11.30 ТСН.

- 11.45 Долзарб репортаж.

- 12.00 «Фриулида тайёрланган». Хроникал-ҳужжатли видеофильм.

\* \* \*

- 14.30 ТСН.

- 14.45 «Ходиса». Телевизион бадий фильм. 3-серия.

- 15.50 «Хитойда халқ ижодиётни фестиваллари.

- 16.35 «Чўпчак айтётганим йўқ». Телевизион.

- 16.55 Болалар учун фильм. «Арслоннинг саргузашлари». 1-серия («Ўзбекфильм»).

тимнастика. 9.15 А. С. Пушкин номли Давлат тасвирий санъат музейи ҳоналаридан. 10.25 «Қайтариш нұқтасы». Телевизион бадий фильм. 1-серия (Одесса киностудиясы). \*

13.30 Мультфильмлар. 14.35 «Оташқалб инсонсиз». К. И. Чуковский ҳәтира ва ижоди ҳақида.

\* \* \*

18.15 «Шалпанғулоқ». Мультфильм. 18.30 Ногиронлар — «Умид» II ҳалқаро раллиси иштирокчилари учун ҳайрия кон-

## • БАХТ КУЛИБ БОҚСИН •



● ПОЙТАХТИМIZНИНГ Октябрь районидаги Иккинчи беш йиллик мақалласида истиқомат қилаётган бу оиласа кўпчиллик ҳавас қиласди. Хонадон соғиби Баҳром Ҳамидов ва унинг ўмр йўлдоши Мамлакат оғза юша-юша фарзандларни меҳнатсевар, одобли қилиб тарбиялашди. Уларнинг ҳамаси жамиятда ўз ўринларини топишган. СССР соғлиқни сақлаш аълочиси Б. Ҳамидов ўзи хизмат қилаётган Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси медицина-санитария қисми жамоаси ўртасида дорижона мудири сифатида катта ҳурмат қозонганд. СУРАТДА: Баҳром ака ҳамда Мамлакат оғалар ўтил-қизлари ва набиралари оғушишида.

Сураткаш Т. КАРИМОВ.

## • Бу — ҚИЗИК ЖИНЛАРГА... СУД ДАЪВОСИ

ЛЕНИНГРАДДАГИ Нева ноҳияси суди томонидан яқинда кўриб қўйилган иш «сүвнинг оқиши» натижасида хонадонга етказилган зарарни ундириб олиш тўғрисида» деб аталди. Бирок судда бирор кимса зерикб қолгани йўқ.

Жавоб берувчи Максимовлар оиласи қўшиниларининг сувни биз эмас, балки ўзларининг жазаваси тутган жинлари — Вася, Яша, Василиса ва Борялар тошириши, деб айтишди. Бир сўз билан айтганда, полтергейст ҳодисаси юз берган.

Ҳайратомуз бундай воқеалар Максимовлар хонадонида 1989 йилнинг декабрь ойидан бери кузатилмоқда. Худди янги йил арафасида уларнинг уйига Вася кириб олди. Аввалига арча безакларини оҳиста ўйнади, сўнгра эса пойабзалларни ва бошқа буюмларни ота бошлади, мебелин синдиришга кириши. Советгичдаги тухумлар ўз-ўзидан отилиб чиқиб, дөворга тегиб сина бошлади. Колган жинлар пайдо бўлиши билан ташвиш яна ортди. Шўхлик қўйувчилардан тинчланинг деб илтимос қилиши, ҳатто ялиниши. Уларга ўйнаш учун «рул устиди» ўйнини бериши. Бирок уни синдириб ташлашибди. Устига устак торшер, чангсўргич, телевизорни ҳам парчалашди. Уй бекаси Вера Андреевна нинг «ташриф буюрганлари» нинг энг маҳмадонаси — ингича овозли Василиса билан бўлган сұхбати радио ва телепортажларда қайд килингач, эҳтирослар узоқ вақт авжга чиқди. У пасая бошланган ҳам эди-ки...

«Полтергейст» немисчадан «тўполончи рӯҳ» деб бениз таржима қилинмайди. Яқиндан бошлаб, кўзга кўринмаслар сантехникани ўйнашини ёқтириб қолдилер. Гоҳида сув

оқиб кетадиган қувурни тўлғизб кўядилар, гоҳида жўмрагини очиб юборадилар...

Суд қарори Максимовларни анчагина зарарни қоплаш учун товоң тўлашга мажбур қиласди. Максимовлар эса бунга қарши.

Максимовлар... полтергейсталарни расман тан олинишига эришиш ниятидалар. Ҳатто судларнинг энг олийси ҳам нима дейиши мумкин?

Мазмун ажабтур, кулаги. Бироқ Максимовларга қийин бўймоқда. Бундай ҳодисаларни таҳлил қилиш билан, жамоат ташкилотларидан ташқари ҳеч ким қизиқмаяти.

Улар аслида очиқ кўнглилар, дилбар кишилардир. Анатолий Дмитриевич — ширкатда дурадгор, Вера Андреевна сут дўконида сотувчи бўлиб шилайди. Уларнинг иккиси нафар фарзанди, набиралари бор.

Бироқ, ёмонликнинг яхши томони ҳам бўлар экан. Уй бекаси бунга ишонади: ҳудди шу жинлар пайдо бўлиши билан унинг саломатлиги яхшиланга бошлади.

Елена ЮГИНА.  
(«Рабочая трибуна»дан).

## • Ҳаётий ҳангомалар ИРОҚИСИ ЙЎҚ ЭКАНМИ?

БЕШ-ОЛТИ чол чойхонада гурнгалишиб ўтиришган экан. Улардан бири: «Ош қилайлик» дебди. Ҳаммалари рози бўлиб, чўнтакларини кавлаштириб, икки-уч сўмдан пул олиб ўртага ташлашипти. Чойхонада ҳамма масалликлар бор экану, факат думба ёғи йўқ экан.

Мирвосил, — дебди каттароқ ёшдаги чол, — сен ҳали ҳасса ушлаганинг йўқ. «Каллахона»дан иккиси ярим қадок думба ёғи олиб кел...

Мирвосил йўлда кетаётса ҳўжалик моллари дўқонида совун бераётган экан. Чол белбоини ечиб, бор пулига совун олиди. Чойхонага келиб, уни қарияларнинг ўртасига ташлаб: «Мана, олиб келдим» дебди. Шунда чоллар:

— Мирвосил, совуннинг ироқиси йўқ эканми? — дейишибди.

Унинг нима мақсадда чиқиб кетганлиги чолларнинг ҳам эсидан кўтарилиб кетган экан.

Икром КОБИЛОВ.



## МУҚИМИИ НОМИДАГИ УЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА

3, 4, 7 АВГУСТ СОАТ 19.00 ДА

## КУЛГИ ВА ШОДЛИК КЕЧАСИ

КАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР ҳалқ артисти  
Маҳмуджон ФОФУРОВ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар:

## ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ТАБИБ

— СОБИТЖОН, ўтган гали суҳбатимида келаси сафар муштарилардан келаётган мактубларда кўтарилиган мавзулар хусусида гаплашмиз, деб ваъда қилган эдик.

— Худди шундай.

— Келаётган мактубларда муштарилар кўпроқ шу кунларда истеъмолда бўлган мева ва сабзавотлар тўғрисида маълумотлар беришмизни илтимос қилишган. Жумладан, оҳангаронлик А. Махкамов шафтоли ҳақида, Бўстонлиқ ноҳиясидан ҳат ўйлабган Х. Умаров эса қовун тўғрисида гап юритишмизни суршаган.



— БОШИДАН ўтган табиб, дейдилар. Аввал бир воқеани гапириб берай... Талабалик йилларим эди. Бир куни ўқишидан мазам бўлмай қайтиб келдим. Кўнглим айниб, қайтиб киладил, бошим қаттик оғирди. Раҳматли бобом — Каримбува аҳволимни кўрди-ю, хонадан ташқари чиқдилар. Тезда у киши бир чойнак кўтариб келдилар. Мен чой келтирдилар, деб ўйладим. Пимёла тўлдириб кўйилган суюқликка ишора қилиб, «Бир кўтариша ичиб юбор» дедилар. Ичиб юбордим. Ўн-ўн беш дақиқадан сўнг терладим, бошим тузалди, кўнглим жойига тушди... Кейинроқ яна бир марта шундай воқеа бўлгач, бобомдан бу «суюқлик»нинг нималигини сўрадим.

— Сиз бўлажак доришиносиз, — дедилар у киши мулоим жилмайиб, — бу оддий нарса, лекин билиб кўйганингиз яхши. Ҳар иккиси галда ҳам сизга мана шу ҳолимизда ўйсиб турган шафтолининг баргидан дамлаб бердим. Бунинг учун бир сиқим барг олиниди, ишқалаб «ўлдириб» чойнакка солинади. Қейинок обижўш кўйилгач, беш-олти дақиқада «шарбат дамлами» пайдо бўлади.

— Демак, бобонгиз ҳам табобатдан анчагина хабардор эканларда.

— Тўғри, у кишидан кейинчилик шафтоли ҳақида анчамунча маълумотлар олганман. У кишининг айтишларича, шафтоли таомни яхши ҳазм қилдиради. Баргларининг шарбати ёхуд дамлабод касалликларида, бош оғриги, кўнгил айниш.

ошқозон-ичак хасталикларида «қўйблола» дори ҳисобланади. Бунинг боинин кейинроқ олий ўқув юртни битириб, доришунос бўлганимдан сўнг билдим. Унинг таркибида қанд, ошловчи моддалар, пектинлар, эфир моялари, каротиноидлар, турли кислоталар ҳамда витаминлар, ҳар хил тузлар мавжудлиги сабабли унинг дориворлиги катта экан.

Ҳалқ табобатида буйрак ва қовиқдаги тошларни майдайдар учун ёхуд пешоб ҳайдаш учун шундай «терма» дори тайёрлаш мумкин: шафтоли, қовун, турп уруларидан тенг миқдорда — бир чимдимдан олинидек, кичик қошида тоза асал ва шунча миқдордаги шакар билан қўшиб қайнатилади, со-втилади, ҳар куни наҳорда истеъмол этилади.

— ҚОВУН ҳақида кўп гапириш мумкин. Машҳур табиб Абу Али ибн Сийо ўзиғининг «Ал-Конуни фи-тиб» асарида қовун ҳақида гап юритар экан, жумладан у, қовун терини тозалайди, уруғи сепкил, доф, темирати каби кусрятларга фойда килади, дейди. Пўчоғи манглайга ёпиширилса, кўзга тушадиган назаларнинг йўлуни тўсади. Ҳали айтгани миздек, буйрак ва қовиқдаги тошларни майдалайди. Паришонхотирлик, диккифафаслик, бод, беланги, сил, камқонлик, жигар ва буйрак касалликларни даволашда ўта нефлидир.



Унинг таркибида қанд моддаси, турли витаминлар, фолат кислотаси, гелицептолоза, темир, фосфор, натрий, кальций, калий сингаримикроэлементлар серобилиги тифайли қовун ниҳоятда шифо-бахш неъмат десак, янгишмайлиз.

Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, бу гапларнинг ҳаммаси том маънода тоза, «дори» емаган қовун турларига таллуқлайдир. Дори еган қовун дорилек қилолмайди. Буни ҳамиши ёдда тутмоқ зарур!

Судбатдош Р. УМАРОВ.

Муҳаррир  
Н. НАСИМОВ.

## • Эълонлар бурчаги •

Наима ПУЛАТОВА, Марям ИХТИЁРОВА  
солистлар:

Файзулла Аҳмедов, Абдуҳолик Мамарасулов, Абдушоир САЛИМОВ, Равшан СОЛИХОВ, Мехмонали САЛИМОВ, Мехри БЕКЧОНОВА, Зулайҳо БОИХОНОВА, Русат МАҶДИЕВ, Бонир ХОЛМИРЗАЕВ ва бошқалар. Билетлар сотилмоқда.

«Тошкент ҳақиқати» рўзномаси жамоаси рўзнома-нинг собиқ ходими, ветеран журналист  
Хошим АБДУСАМАДОВинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласига чукур таъзия изкор қиласди.